

2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: «Шарқ», 2001.
3. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2003.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: 2019. 333-б.
5. Шамсутдинов Р., Каримов Ш., Хошимов С. Ватан тарихи. – Тошкент: «Шарқ», 2016. 470-б.
6. Ахмедов Б. Улуғбек (Эссе). – Тошкент: 1989. 229-б.
7. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2002.
8. Эшов Б.Ж., Адиллов А. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: 2014. 1-т.
9. М.Юсуф. Сайланма асарлар. – Т.: «Шарқ» 2007.

РЕЗЮМЕ

Мақолада М.Юсуф ижодидаги талмех санаътига бағишланади. Таниқли тарихий шахсларнинг исмлари, дoston, афсона атамаларидан мисоллар келтирилиб, талқин қилинган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена искусству талме в творчестве М.Юсуфа. Приводятся и интерпретируются имена известных исторических личностей, примеры из названий были и легенд.

SUMMARY

The article is devoted to the art of talme in the work of M. Yusuf. The names of famous historical figures, examples from the names of epics and legends are given and interpreted.

АСЛИЯТГА ҲАМОҲАНГ

С.Р.Рахмонова – филология фанлари номзоди

Йонус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти

Таянч сўзлар: таржима, Чўлпон, Гафур Гулом, Максуд Шайхзода, Юсуф Шомансур, Жамол Камол, сонет, терцет, катрен, монолог, диалог.

Ключевые слова: перевод, Чолпон, Гафур Гулам, Максуд Шайхзода, Юсуф Шомансур, Джамал Камаль, сонет, терцет, четверостишие, монолог, диалог.

Key words: translation, Cholpon, Ghafur Ghulam, Maqsud Shaykhzoda, Yusuf Shomansur, Jamal Kamal, sonnet, tertset, quatrain, monologue, dialogue.

Улуғ инглиз драматурги Вильям Шекспирнинг асарларига кизиқиш бизда XX аср аввалида бошланган. Чўлпон биринчилардан бўлиб Вильям Шекспир асарларини ўзбекчага ўгиришни бошлаб берган. Гафур Гулом, Максуд Шайхзода унинг қатор драмаларини, сонетларини она тилимизга таржима қилган.

Вильям Шекспирнинг барча драмалари, жумладан, “Отелло”, “Ҳамлет”, “Қирол Лир” трагедиялари шеърӣ усулда ёзилган. Уларда қахрамонларнинг монолог, диалогларида инсоний кечинма, ҳиссиётлар тугъни ғоят таъсирчан ифодаланган. Ҳамлет, Қирол Лир, Отелло, Яго каби қахрамонларнинг фавқуллодда таъсирчан диалог, монологларида улуғ шоир қалби кўринади. Вильям Шекспир ушбу трагедиялари билангина эмас, сонетлари билан ҳам ўзининг буюк шоир эканлигини тарихга муҳраб қолдирган. Унинг сонетлари ҳам худди трагедиялари сингари инсоннинг зиддиятларга макон қалби, унинг аччиқ қисмати ҳақидаги ҳикматларга тўла.

Ижодкорлар айнан шундай асарларни ўз тилига ўгириш, миллатдошларини бадий талфаккурнинг бу дурдоналаридан баҳраманд қилишга интилишади. Вильям Шекспирнинг сонетлари ҳам ана шундай дурдоналардан бўлгани боис Максуд Шайхзода, Юсуф Шомансур уларни ўзбек ўқувчиларига етказишга интилишган. Вильям Шекспирнинг 154 та сонети маълум. Максуд Шайхзода улардан айримларини, Юсуф Шомансур эса барчасини тилимизга таржима қилган. Ҳар иккала шоир бунда Вильям Шекспир сонетларининг Самуил Маршак амалга оширган русча таржимасига таянишган. Орадан ўттиз йил ўтиб, улуғ инглиз мутафаккири сонетлари яна ўзбек тилида босилиб чиқди. Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол Вильям Шекспир сонетларини рус тилидан эмас, инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилди. Аслиятдан амалга оширилган ушбу таржима аввалги таржималар билан таққосланса, жуда жиддий фарқ сезилади. Бу тафовут сонетларнинг ҳар бир сатрида, уларнинг маъно – мазмунини яққол билинади. Улар бошқа тиллардан рус тилига ва рус тилидан ўзбек тилига ўгирилган асарлар аслиятдаги мавжуд жозибаси, сеҳрини йўқотгани тўғрисида ўйлатади. Чунки шу пайтгача инглиз, немис, француз, испан, япон ва бошқа

халқлар адабиёти аксарият намуналари аслиятдан эмас, рус тилидаги таржималаридан ўзбекчалаштирилган. Вильям Шекспир сонетларининг инглиз тилидан қилинган таржимаси ўртада бошқа бир тил воситачилик қилганида ҳар қандай асар муайян даражада жозибасини йўқотишини намоён этади.

Вильям Шекспир сонетларини Максуд Шайхзода ҳам, Юсуф Шомансур ҳам ўзига хос оҳанг ва усулда таржима қилган. Бу икки шоирнинг таржималари Жамол Камол ўгирган сонетлар билан таққосланса, М.Шайхзода ва Ю.Шомансурни С. Маршак таржимаси бир қадар “қолип”га солиб қўйгани, улар аслиятдан беҳабарлиги боис русча матн доирасида ҳаракат қилгани аёнлашади. М.Шайхзода ҳам Ю.Шомансур ҳам Вильям Шекспир сонетларининг русча таржимадаги маъно – мазмунини очиб беришга ва ўша шаклни сақлашга эришишган. Жамол Камол таржимаси эса Вильям Шекспир сонетлари маъносининг айрим қирралари русча таржимада эътибордан четда қолганини кўрсатади.

Юсуф Шомансур ва Жамол Камол таржималари таққосланса, ҳар иккала шоир ҳам сонетларнинг мазмунини ифодалашга интилгани, қўшимча мисралар киритмагани билинади. Лекин айтиб қўйиш керакки, русчадан ва аслиятдан қилинган таржималарда жиддий фарқ борлиги сезилади.

Таржималар бадийлик даражаси, таъсирчанлиги жиҳатидан таққосланса, Жамол Камол таржималари устун эканлиги сезилади. Вильям Шекспир сонетларида ҳам ёр жамоли мадҳ этилиб, ошиқнинг дардли илтижолари баён қилинади. Улар айти жиҳати билан Шарқ шеърӣтига ҳамоҳанг. Ҳофиз, Румий, Жомий, Навоий сингари Шарқ шеърӣти намоёндалари шеърӣти марказида ҳам ёр образи туради. Вильям Шекспирнинг аксарият сонетларида ҳам худди шу кузатилади. Уларда ёрга мурожаат, илтижо асосий ўрин тутди. Жамол Камол таржимасида сонет мазмунига сингган ана шу жиҳат таъсирчан ифодаланган.

Шуни қайд этиш лозимки, шеърӣятда таржимон муаллифнинг измида юриши қийин. Айниқса, ўзаро узоқ бир тилдан иккинчисига таржима қилиш баъзан ўтиб бўлмас тўсиқларни юзага келтиради. Адекват таржима қилишда бир тилдаги маънони иккинчисига

кўчириш ҳамда сонетнинг вазн, хижо, турок, кофия сингари талабларига риоя этиш жиддий мушкуллар туғдиради. Вильям Шекспир сонетларни аслиятдан ўзбекчалаштирган Ж. Камол ана шундай ғовлардан мувафаккият билан ошиб ўтган алоҳида таъкидлаш керак. Бунга ўша таржималарининг инглиз тилига қайта тағлама таржимаси асосида ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. Масалан, В. Шекспирнинг биринчи сонети биринчи катрени дастлабки икки мисраси аслиятда қуйидагича

From fairest creatures we desire increase,
That thereby beauty's rose might never die...

Унга Жамол Камол таржимасининг инглизчага тағламаси анча яқин:

Истаимиз, гўзаллар бўлсин зиёда,
Гўзаллик барқ уриб, яшнасин абад.
(We want the beauties to get more beautiful,
Let the rose flourish and never die).

Юсуф Шомансур таржимаси эса аслиятдан бир мунча узоқлашиб қолган:

Гўзаллик барқ урсин, сўлмасин, дея,
Аъло новдалардан кутамиз ҳосил.
(While awaiting the sprouts to yield fruits
We want the beauty to get flourished).

Энг қизиғи, дастлабки сатрлардаги аслият мазмунидан узоқлашиб хулосани ҳам бошқача қилиб қўйган

Етилажак ҳосил бўлмасин ҳазон!
(Do not allow the harvest to perish!)

Тўғри, Жамол Камол таржимасидаги сўнги сатрларни ҳам тўла адекват деб бўлмайди. Бироқ у аслиятга тақдим этиш муҳим аҳамиятга эга. Вильям Шекспирнинг ўзбекчалаштирилган сонетлари Чўлпон, Гафур Гулом, Максуд Шайхзода, Юсуф Шомансур, С.Маршак, Жамол Камол таржимонлари томонидан таржима қилинган.

Адабиётлар

1. Уильям Шекспир. Сонеты. С.Я.Маршак. – Харвест: 2011.
2. Казакова О.В. Особенности художественного перевода. 2006.
3. Салодуб Ю.П., Альбрехт Ф.Б., Кузнецов А.Ю. Теория и практика художественного перевода. – М.: Академия, 2005.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола улуғ инглиз драматурги, жаҳон адабиётининг энг машҳур намоёнаси Вильям Шекспир ижодига бағишланган бўлиб, унинг ижодини ўрганиш катта аҳамият касб этганидек, унинг ижодининг таржимасини ҳам оммага тақдим этиш муҳим аҳамиятга эга. Вильям Шекспирнинг ўзбекчалаштирилган сонетлари Чўлпон, Гафур Гулом, Максуд Шайхзода, Юсуф Шомансур, С.Маршак, Жамол Камол таржимонлари томонидан таржима қилинган.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена творчеству великого английского драматурга Уильяма Шекспира, известного представителя мировой литературы, и представить публике перевод его произведения так же важно, как и изучить его творчество. Узбекизированные сонеты Уильяма Шекспира переводили такие переводчики как Чолпон, Гафур Гулам, Максуд Шайхзода, Юсуф Шомансур, С.Маршак, Джамаль Кемаль.

SUMMARY

This article is devoted to the work of the great English playwright William Shakespeare, the most famous representative of world literature, and it is just as important to present the translation of his work to the public as to study his work. The Uzbekized sonnets of William Shakespeare were translated by such translators as Cholpon, Gafur Ghulam, Maksud Shaikhzoda, Yusuf Shomansur, S. Marshak, Jamal Kemal.

SAG'INBAY IBRAGIMOV POEZIYASINDA KISHI LIRIKALIQ JANRLAR HAM OLARDA MAZMUN HAM FORMA BIRLIGI

A.B.Satbaev – stajyor-izleniwshi

Berdaq atindagi Qaraqalpaq mámleketlik universiteti

Tayanch so'zlar: obraz, mazmun, shakl. ianr. ikkilik, uchlik. to'rtlik, lirik subyekt, aforistik xarakter.

Ключевые слова: образ, содержание, форма, жанр, двустийшие, трехстишия, четверостиший, лирический субъект, афористичный характер.

Key words: image, content, form, genre, tercet, quatrains, lyric subject, aphoristic character.

Ádebiyatta kórkem shıǵarmaǵa qoyılatuǵın bir qatar talaplar bar. Solardıń biri - lokalizm yaǵnıy qısqaalıq. Lirikalıq shıǵarmalarda qısqa qatarlar arqalı kóp qatlamlı pikirlerdi bildiriw múmkin.

Qazaq ádebiyatshısı Á.Tájibaev: «Lirik shayır ómirge

talablaridan keliib chikiib, epitetisiz ishlatıladı.

Жамол Камол сатрларни инглизча аслиятига анча мос тарзда ўгирган:

Within thine own buduriest thy content
And, tender churl, makest waste in niggarding...
Хасислик айлабон этасан исроф,
Куртакни махв айлаб ботининг аро...
(You are wasting while being greedy
And burying the bud in your heart...)

Жамол Камолнинг В.Шекспир сонетларидаги асл мазмун, руҳни ифодалаган таржимаси тилимизнинг имкониятлари бениҳоя кенглиги, ўзбек тили инсон ҳаракатининг – ҳолати, кечинма, ҳиссиётларига ҳос жамики нозикликларини жуда аниқ акс эттира олишида далолат беради.

В.Шекспир сонетлари мавжуд таржималарини таққослаш шуни кўрсатдики, таржима жўн иш эмас. Таржима – машаққатли изланишдан иборат ижодий жараёндир. Таржимда нафақат муаллифнинг, балки таржимоннинг ҳам ижодкорлик маҳорати акс этади. Жамол Камол сонетларни ўзбекчалаштиришда аслиятдаги мазмунни чуқур англаган ва инглизча сўзларнинг тилимиздаги энг муқобилини топа билган. Шоирнинг бу борадаги маҳоратини алоҳида таъкидлаш керак. Чунки инглиз тили дунёдаги энг бой тиллардан бири саналади. Бу тилда ҳам битта сўз худди ўзбек тилидаги каби бир неча маънони билдиради. Баъзи сўзлар қандай маънода қўлланганини матн билан тўла танишиб чикмагунча билиб бўлмайди. Аслиятдан беҳабарлик ва ўзбек тилидаги сўзларнинг товланишларини юракдан ҳис қилмаслик оқибатида аксарият Жаҳон шеърят намоёндаларининг ўзбекчалаштирилган шеърлари оддий гаплар йиғиндисидай таасурот уйғотади. В.Шекспир сонетлари таржимаси эса улар худди ўзбек тилида битилгандек.